

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Чор Россияси Туркистонни забт этиб, махаллий ахолини зулм остида ушлаб келарди. Туркистонликлар кўтарган бир неча кўзголонлар аёвсизларча бостирилган, жуда кўп кон тўкилган эди.

I Жаҳон уруши ва ўша даврдаги сиёсий воеалар Чор Россияси хукмронлиги дарз кетаётганини кўрсатиб кўйди. 1917 йил февралида ўлкага Николай таҳтдан воз кечганмиш, янги хукумат урушни тўхтатармиш деган хабарлар кела бошлади.

Каҳрамонимиз нима бўлдию, Бешболалик Ота-бой гиштчининг мулла Сулаймон деган маҳрами билан гап талашиб колди ва унга бир-икки шапати кўйиб юборди. Отабой гиштчи бу шапатини ўзининг бетига тушгандай газабланиб каҳрамонимиз устидан тухмат ва бўхтонлар ташкиллаб Сибирнинг Нерчинск деган жойига 14 йилга каматтириб юборади. Мадаминбек Сибирда ок-корани таниди. Рус сиёсий маҳбусларидан империядаги сиёсий вазият, урушда Россия кўраётган катта талофатлар, инкилобчилар максад ва ниятларини сўраб ўрганди. У русча ўкиш, гапиришни, хатто француз тилини тушунадиган бўлди. У сургундалигида хам беш вакт намозини, Рамазон ойида рўзасини хеч канда килмади.

1917 йил баҳорида Николай II таҳтдан туширилгач, янги тузилган Муваккат хукумат сургундагиларни авф этди. Мадаминбек Маргилонга кайтиб келади.

Алгов-далгов замонлар бошланиб кетган, вактли хукумат деганлари жамиятда тартиб-интизомни саклашга ожизлик килиб колган эди. Илгари шунчаки ёпик турадиган дўконлар ва хонадон эшикларига катта-катта кулфлар тушган, шунга карамай ўгрилик, боскинчилик авж олган эди.

Мадаминбек бу воеаларга локайд караб тура олмади. У ўзига ўхшаш имонли, инсоф-диёнатли йигитларни йигиб, маҳалла хонадонларини жиноятчилардан химоя килишга киришди.

1918 йил бошларида бир тўда боскинчилар Маргилонда анчагина кўзга кўринган Абдураззок закончини сўйиб кетишиди. Мадаминбек ўз йигитлари билан бу ўта хавфли жиноятчилар тўдасини кўлга олиб, жазолади. Кейинчалик у Абдураззок закончининг кизига совчи жўнатади. Бой-бадавлат хонадонлардан устма-уст келаётган совчиларга рози бўлмаётган Саодатхоннинг волидаси кутилмаганда бек совчиларига ок ўратиб юборади.

Мадаминбек ўз назоратига олган худудда тартиб-интизом ўрнатилиб, ахоли тинч хаёт тарзига кайтади. Кеч кузда Маргилонга янги бир хабар этиб келди: ок подшо ўрнига келган хукуматни большевойлар агдариби, улар барча ерларда ўз хукуматларини тузиб, хукумларини ўтказаётган эмиш. Вактли хукуматни агдариб хокимиётни ўз кўлига олган Ленин бошлиқ большевойлар оддий халкни ўз томонига оғдириб олиш учун дархол урушни тўхтатиш, сулх тузиш, ерни камбагалларга таксимлаб, очарчиликни тугатиш масалалари хакида карорлар эълон килди. Энг асосийси хамма миллатларнинг тенг хукуклилигини (бу карор когозда колиб кетган) эълон килиниши жуда кўпчиликни чалгиттан. Лениннинг хар бир халк ва элат ўз истаганидек давлат тузишга, ўз урф-одат ва анъаналарига биноан яшашига тўла хакки борлигини эълон килиши хам эркпарвар туркистонликлар калбida умид учкунларини ёқди.

Мадаминбек кўплар катори янги хокимиёт миллат манфаатлари учун хизмат килади деб

Муаллиф:  
01.02.2014 07:17 -

ишониб, унинг таркибида ишлашга рози бўлади. У1917 йил охиридан Маргилон милицияси бошлиги сифатида ишлай бошлади. Айни чогда «Шўрои Исломия» жамияти фаоллари каторида бўлган.

Вазиятга бошка кўз билан карайдиган бўлсак, чор хокимияти даврида хокимият 100 фоиз руслар кўлида бўлган. Негадир халкпарвар большевойлар хам хокимиятга келганда Туркистон хукуматида битта хам мусулмон вакилига «жой топилмади». 1917 йил 15 ноябркуни большевиклар ташаббуси билан Тошкентда янги давлат ташкил этилиб (Туркистон Автоном Совет Республикаси-ТАСР), унинг 15 та раҳбари «сайланди». Янги давлат раҳбарларининг барчаси русийзабон ахоли вакиллари бўлиб чиқди.

Бундай адолатсизликка рози бўлмаган миллатпарвар кучлар, 1917 йилнинг 26-28 ноябр кунлари Кўконда йигилиш ўтказиб Туркистон Мухториятини тузганликларини (Ленин томонидан эълон килинган карорларга мувофик!) эълон киладилар. Барча янги тузилган мухториятни кутлаб, табрик телеграммаларини жўната бошлаганда, тили бошкаю дили бошка Ленин ўлгадаги ўз вакилларига Туркистон Мухториятини керак бўлса, курол кучи билан йўқ килиш хакида телеграмма жўнатади. 1918 йил 14 февраляда ТАСР хукумати Фаргона вилоятини камал холатида деб эълон килади. Совет хокимияти Фаргона водийсига бутун кучларини тўплай бошлайди. Бундай шароитда Туркистон Мухторияти раҳбарияти асосий эътиборини очарчиликни тугатиш, саноат ва кишлек хўжалигини тиклашга каратган. Кўкон Мухторияти ўртадаги тушунмовчиликни (ахир, бир неча ой олдин Лениннинг ўзи халкларга ўз такдирларини ўzlари белгилашга тўла хакки бор, деб карор эълон килган эди) тинч йўл билан бартараф этишга уринган. Аммо 72 кун яшаган мухторият кизил армия кучи билан тугатилди. Унинг омон колган харбий кисмлари миллий-озодлик кўшинларига кўшилиб кетди.

Бу вактда Мадаминбек Маргилонда эди. Рафикаси Абдурахмон закончининг кизи ўзбек хотин-кизларига хос энг яхши феъл-автор эгаси эди. Мадаминбек бундай окила умри йўлдош бергани учун Яратганга тинмай дуо килар, инсонларга килган барча яхшиликлари эвазига уни ўзига берилган бир туфха деб биларди.

Мадаминбек кичикрок бир савдо дўйончаси очиб, тинч хаёт кечиришни режа-лаштирас, ўзининг 40 нафар куролдош йигитларини якин кунларда уйларига кайтаришни ўйлаётган эди. Аммо охирги кунларда большевиклар олиб бораётган сиёsat барча режаларни бузиб ташлади. У ўз йигитлари билан милиция марказидаги куролларнинг барчасини олиб истиклолчилик харакатига кўшилиб, хакикий босмачилар - кизилларга карши курашни бошлаб юборди. Бир куни у ўз йигитлари билан Маргилонга бостириб кириб, тинч ахолини отиб, киличдан ўтказаётган арман дашноклари устига кўккисдан хужум килиб барчасини кириб ташлайди. Мадаминбек галабасини эшишиб водийнинг турли бурчакларидан унга ёрдам истаб чопарлар кела бошлайди. Табиийки, қахрамонимиз уларга ёрдамга ошикади.

Чор Россияси даврида Туркистонга кўчириб келтирилган рус мужиклари хам большевик хокимиятидан норози эдилар. Советлар уларнинг ерлари ва мол-мулкларини давлат ихтиёрига тортиб олаётган, каршилик кўрсатганларни эса отиб ташлаётган эди.

Мадаминбек «Рус дехкон армияси» кўмондони генерал Монстров билан яширин алока ўрнатиб, биргаликда харакат килиш хакида келишиб олади.

Мохир саркарда эканини киска вактда исботлаган Мадаминбек хузурига Англия хукумати ёрдам таклиф килиб элчи жўнатади. Урал ва Сибирда кизил армияга карши курашаётган Колчак эса 2 та рус ва 2 та инглиз генералларини унинг хузурига ёрдамга юборади. Бундан ташкари Туркия ва Германиядан хам ёрдам таклифлари кела бошлади.

Муаллиф:  
01.02.2014 07:17 -

Афсус ва надоматлар бўлсинки, четэлликлар Мадаминбек шахсиятида кўра олган етакчилик ва саркардалик салохиятини Кўкон атрофида Катта Эргаш бошчилигида харакат килаётган кўрбошилар кўра ол-мадилар. Улар Мадаминбекнинг бутун кучларни бирлаштириш таклифига рози бўлмадилар.

Мадаминбек махаллий бойлар воситачилигида Англия, Германия ва Туркиядан курол-яроклар сотиб олиб, кўл остидагиларни яхшиrok куроллантира бошлади.

Мадаминбекнинг Туркистонда харакат килаётган озодлик кучлари раҳбарларидан устивор томони шу эдики, унинг харбий штабида ўқимишли, сиёсатни тушунадиган рус ва инглиз офицерлари бор эди. Улар Россия ва унинг атрофидаги воқеаларни синчиклаб кузатиб, ўрганиб борар ва бу хакда Мадаминбекка зарур маълумотларни беришарди. Ишончли ва зарур маълумотларга эга бўлган Мадаминбек уларни ўзича тахлил этар ва аник вазиятни хисобга олган холда тегишли бир тўхтамга келарди.

Архив маълумотларида кўрсатилишича, у Скобелев (хозирги Фаргона шаҳри), Наманган, Андижон, Ўш кўрбошиларини бирлаштириб 25 минг кишилик армияга кўмондонлик килган.

Совет кўмондонлиги Мадаминбек билан водийда кандай жанг килишни режалаштираётганда, у ўз йигитлари билан русларнинг асосий истехкоми, Скобелев шахрига, 1919 йил бошида тўсатдан бостириб киради. Кўча жангларида русларни маглуб этгач, шахар турмасига хужум килиб, 200 дан зиёд сафдошларини ва рус офицерларини озод этадилар.

Истиклолчилик харакати кўшинлари киска вакт ичida Ўш, Андижон, Маргилон, Кува, Жалолобод ва бошка йирик шахарларни ўз назоратига олади. Ўш озод этилгач, Мадаминбек халк олдида генерал Монстров ва Алексеевларнинг елкаларига кўлини кўйиб жуда чиройли калблар тубидан ўрин оладиган, самимий бир нутк сўзлайди. Уни Ўш ахли куйидагичатаърифлаган: «У ўрта бўйли, тўладан келган, кизил юзли, чараклаб турган кора кўзли, жуда хотиржам гапирадиган киши эди. Унинг унча ўсмаган соchlари устига кийган Маргилон дўпписи хам, килич ва наганини елкасидан белига караб тортилган тасмаси хам, колаверса, шойи бел-боги хам ўзига жуда ярашикли эди».

1919 йил сентябр ойи ўрталарида Маргилонда Ислом кўшинлари ва «Рус дехкон армияси» раҳбарларининг бирлашган курултойи бўлди. Курултой Мадаминбекнинг салохиятли амир ал-муслимин эканини яна бир бор эътироф этиб, унинг Фаргона водийсида чинакамadolатli, меҳнаткашпарвар мусулмон хукумати тузиш тўгрисидаги дастурини маъкуллади. Курултойда ўлкада Таъсис Мажлиси (парламент) чакириб, тенг ва эркин сайловлар асосида коннуний хукумат тузиш масаласи хам мухокама килинди. Бу хукуматдаги жойларнинг 2/3 кисми ерли ахоли вакилларига, колган бир кисми русийзабон халк вакилларига ажратилиши назарда тутилган эди.

Жангу-жадаллар билан банд бўлган Мадаминбек севикили ёри Саодатхон билан кам кўришарди. Мадаминбек билан бу аёл анчагина машаккатлар чеккан. Саодатхон опа назарида ўзининг беги (у Мадаминбекка «бегим» деб мурожаат этарди) улуг ишлар билан бандлиги, миллат севгиси унинг бошка хис-туйгуларидан устивор турганидан сира хам хафа бўлмас, аксинча, бу билан гуурланиб юрар, ўзи хам янги бир олам кишиси бўлиб бораётганидан мамнунлигини яшира олмас эди.

Туркистон чоризмнинг муҳим хом-ашё базаси эди. Ленин ва унинг сафдошларининг каттик эътиқодича, Туркистонда Совет хокимиятини ўрнатиш Хитой ва Хинdistон каби йирик давлатларга «инкилобни» экспорт килиш имкониятини тугдиради. Шунинг учун хам большевиклар Туркистонни кўлдан чикаришни истамас эдилар.

Иккиюзламачи Ленин 1918 йил бошида Туркистон ахлига ўзлари истаганларидек давлат тузиш хукуки берилишини эълон килиб, ўша йилнинг сентябр ойида Турккомиссия номи остида фавкулодда ваколатларга эга коммунистлар гурухини Тошкентга йўллаган. Уларга Туркистонда большевик тузумни кандай килиб бўлмасин саклаб колиш ва кучайтириш вазифасини юклаган эди. Айнан шу комиссия карори билан Туркистон Мухторияти тугатилган, мусулмонларга карши «кизил террор» сиёсати ишга солинган эди. Бу сиёсат курбони бир неча юз минг киши бўлди.

Россиянинг марказий вилоятларида фукаролар уруши большевикларга Урта Осиёда хокимиятни кўлга олишга имкон бермаган. 1920 йилга келиб «ок армия» кўшинлари маглуб этилиб, асосий кучлар Туркистонга йўналтирилди. Киргизистонда туғилиб ўсан Фрунзе бу кўшин кўмондонлигини кайтадан ўз кўлига олади. Янги ва урушларда чиниккан кучлар етиб келиши билан истиклолчилик харакати аъзоларига карши кураш анча кескин тус олади.

Кечагина Осиё халкларига ўз давлатини тузишга рухсат берган Ленин иккиюзламачилик килиб биринчи имконият пайдо бўлиши биланок Туркистонда хокимиятни кўлга олиш ишини бошлади. Кизил армия нафакат Фаргона мухтор давлатини, балки Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини хам тугатган.

Мадаминбек тузган давлат ўша даврдаги кўплаб Осиё мамлакатлари каби диний давлат бўлмай, диний ва миллий анъаналаримиз кадрланадиган дунёвий давлат эди. Фаргона водийсига Хитой, Англия, Эрон, Туркия ва АҚШдан элчи ва вакиллар келиб ўз давлатларининг ёрдамларини таклиф этган эди.

Мустакилликка эришгач, ноҳак кораланган ота-боболаримизни халкимизга танитиш имконияти пайдо бўлди. Советлар бу йўлдаги фаолиятларини 80 йиллар охиригача давмм эттиридилар. Хатто, «Узбекфильм» киностудияси «босмачилар» тўгрисида шунчалик хўп фильм суратга олганки, собик Иттифокда «Басмач-фильм» деган ном билан танилиб колган.

Англиядан чиккан Робин Гуд номли бир карокчи хакида бир канча фильм суратга олинган. Корея киночиларига тан берасан киши, «Денгиз хукмдори», «Сўнгги киролича» ва «Жумонг» сериаллари оркали ўз тарихларини дунёга танитмоқда. Бизлар хакикий юрт ўглонлари хакида бадиий фильм олиб, чиройли тарзда ўз халкимизга танитсак, кўчада ўйнаётган болаларимиз пешонасига латта боялаб кореялик кахрамонларга эмас, белига белбог боялаб Амир Темур, Мадаминбек, Намоз Пирумкуловларга таклид килган бўларди.

**Жамшид КОМИЛОВ**